

**“ХАЛҚ ОҒЗАКИ ИЖОДИ ВОСИТАСИДА МАКТАБГАЧА ЁШДАГИ  
БОЛАЛАРНИНГ МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТ ТУШУНЧАЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ.**

**Х.У.Ризайева**

Низомий номидаги ТДПУ

“Мақтабгача таълим педагогика ва психологияси”

кафедраси ўқитувчиси

**Аннотация:** Ушбу мақола орқали мактабгача таълим ёшидаги болаларда миллий қадрият тушунчаларини шакллантиришда халқ оғзаки ижодининг тутган ўрни ва халқ оғзаки ижоди жанрларида одоб-ахлоқ масалалари ҳақидаги маълумотларга эга бўласиз.

**Аннотация:** Благодаря этой статье вы получите информацию о роли фольклора в формировании представлений о национальных ценностях у детей дошкольного возраста и вопросах этики в жанрах фольклора.

**Annotation:** Thanks to this article, you will receive information about the role of folklore in the formation of ideas about national values in preschool children and ethical issues in the genres of folklore.

Қадимий Турон, Самарқанд, Туркистон, худудида яшаган аждодларимизнинг асрлар мобайнида яратиб, авайлаб-асраб келган ва келинаётган эртақ ва ривоятлари, термалар, дostonлар, мақол ва маталлари, тўй ва сайллар, йиғин, байрамлар ва сафарларда ижро этган кўшиқ ва лапарлари, маданият, маънавият, маърифатга оид бўлган жамийки мерослари, урф-одатлари, анъаналари миллий истиқлол мафкурасининг шаклланиш ва ривожланиши учун манбаа бўлиб хизмат қилиши шак-шубҳасиздир. Чунки юқорида келтирилган меросларимизнинг ҳар бирида ахлокий тарбияга ҳидоят қилувчи, инсоннинг маънавиятини камол топишига замин бўлувчи, миллийликка, миллий онг ва миллий ғурурга ундовчи сон-саноқсиз чақириқлар, ибратли ривоятлар ва инсоний фазилатларнинг намуналари бор.

Бир сўз билан айтганда, узоқ тарихга эга бўлган халқ оғзаки ижодидан ўсиб келаётган ёш авлодни ахлоқан етук, одобли қилиб тарбиялашда, яъни, « ўз ақли, ўз тафаккури, ўз меҳнати, ўз масъулияти билан онгли тарзда озод ва ҳур фикрли инсон булиб яшайдиган» шахсларни тарбиялашда оқилona фойдаланиш бугунги давр талабидир.

Минтақамизда бир неча асрлар оша юзага келган «Тўмарис», «Широқ», «Манас», «Алпомиш», «Қирқ-қиз», «Гўрўгли», «Авазхон», «Чамбил қамали», «Ойсулув» сингари дostonларда ўз Ватанининг озодлиги ва мустақиллиги учун қахрамонлик намуналарини кўрсатган халқимиз фидойи фарзандлари ҳақида ҳикоя қилинган. Ана шу асарлардаги Ватанпарварлик ҳақидаги нафақат миллий, балки умумбашарий аҳамиятга ҳам эга бўлган фалсафий ғоялар, миллий истиқлол мафкураси учун таг замин, асос бўлиб хизмат қилишга имкони бор. Халқ оғзаки ижоди намуналарида халқнинг истак ва интилишлари, маънавий, маърифий ва маиший турмуш тарзи, урф-одат ва анъаналари, ахлокий-тарбиявий, сиёсий-ҳуқуқий, иқтисодий ва эстетик қарашлари ўз ифодасини топади. Адолат, ҳаққоният, тенглик, озодлик, ва ҳур фикрлилик, ботирлик, мардлик, халқни, Ватанни севиш, ҳимоя қилишдаги жасорат ва қахрамонликларни инсоннинг ахлоқ-одобга доир юксак фазилатлари деб улуғланади ва шу ибратли тарғиботи орқали бола шахсини шакллантиришдир.

Халқ оғзаки ижоди халқ педагогикасининг асосий манбаи, миллий мафкурамининг таянчидир. Миллий истиқлол мафкурасига хос бўлган мардлик, тўғрилиқ, адолатпарварлик, вафодорлик, ҳалоллик сингари ғоялар халқимизнинг эртак ва ривоятларида бундан бир неча минг йиллар илгари ўз ифодасини топган бўлиб, Президентимиз таъкидлаганидек, - «Ҳар доим бирга бўлиш, дўст бўлиш, ҳамнафас, оғалиқ бўлиш ҳақидаги умумбашарий ғоялар Ўрта Осиё халқлари маънавий –ахлоқий, маърифий қарашларига ҳос энг муҳим хислат ва фазилатдир».

Ота-боболаримизнинг асрлар давомида тўплаган бой ҳаётий тажрибалари, диний –ахлоқий, ҳуқуқий, фалсафий қарашларини ўзида акс эттирган қатор мўътабар манбалар мавжуддир. Эрамиздан аввал 30 аср олдин яратилган зардўштийлик динининг асосий қонун-қоидалари баён этилган «Авесто» турган-битгани ҳикмат, маънавий - ахлоқий, диний ҳуқуқий, фалсафий бойликлар конидир. Унда одамларни илму маърифатга, одоб-ахлоққа, инсофу диёнатга, эзгуликка даъват этадиган ғоялар, қарашлар, фикр мулоҳазалар шу қадар кўпки, уларнинг ҳар бири бугунги кунда мустақилликни мустаҳкамлаш ва ҳимоя этишда, кишилар онги ва тафаккурида миллий ғояларимизни сингдириб комил инсон тарбиясига замин яратмоқда.

Маълумки, жамият маданиятсиз, маънавий-ахлоқий қадриятсиз яшай олмайди. Бугунги энг муҳим вазифалардан бири маънавий

меросни мустахкамлаш, ўрганиш ва уни ривожлантиришдир. Шундагина ёшлар ўз халқининг тарихини, маданий мероси, унинг маданияти, қадриятларини, санъатини чуқур биладиган бўлади. Ўтмиш ҳақидаги таассуротлари бойийди ва тиниқлашади. Шу ўринда юртимизда минг йиллар давомида сақланиб келаётган халқ оғзаки ижоди намуналари ёшлар тарбиясида катта аҳамиятга эгадир.

Халқ оғзаки ижоди асарларида қайд этилган маънавий-ахлоқий қоидалардан бири инсонни меҳнат қилишга, ўз қўллари билан моддий бойликлар, фаровон ҳаёт кечиришга даъват этилганлигидир. Ундаги маънавият ва маърифат ҳақидаги таълимотга кўра, меҳнат қилиш барча эзгуликларнинг асоси, инсонийлик белгисидир

Бир сўз билан айтганда халқ оғзаки ижоди ижтимоий ва халқ педагоги-касининг асосий манбаларидан бири бўлиб, у бугунги миллий истиқлол мафкурасини Шарқ халқларининг-аждодаларимизнинг ақл ва тафаккури, одоб-ахлоқи, маданияти, маънавияти, маърифати, бой ҳаётий тажрибаларининг мажмуасидан иборат бўлган мақоллар, афоризмлар, ҳикматлардаги таълимотлар ва умумбашарий қадриятларни ҳам ўзида акс эттирган ҳолда юксак даражага кўтаради ва бойитади. Чунки, унда халқ донолиги-донишмандлиги мужассам. Болалиқда эшитган эртақ, дoston, алла, эркаламалар ёшимиз улғайсада ҳамон қулоғимиз остида жаранглаб туради. Бейҳтиёр халқ қўшиқларини ҳиргойи қиламиз, эркалатмалар билан фарзанд ва набираларимизни катта қиламиз, эртақлардаги яхшиликларни уларга намуна қилиб кўрсатамиз. Мана шу тариқа халқ оғзаки ижоди намуналари авлоддан авлодга ўтиб келмоқда. У орқали қанчадан қанча фарзандларимиз юртнинг корига яровчи инсонлар бўлиб етишмоқда.

### **Халқ оғзаки ижоди жанрларида одоб-ахлоқ масалалари.**

Халқ оғзаки ижоди турлари қуйидагилар ҳисобланади: Дostonлар, эркаламалар, овутмачоқлар, аллалар, эртақлар, ривоятлар, маталлар, топишмоқлар, мақоллар, тез айтишлар.

Халқ оғзаки ижоди-бу “сўз санъатидир”. Бу санъатдан ҳар биримиз баҳра олиб катта бўлганмиз. Эртақчи, бахши, қўшиқчи, аскиябоз, латифачи, лофчи ижрочиларнинг тингловчиларга бағишлаётган маънавий лаззати ҳали ҳануз давом этиб келмоқда. Келинг уларга бир назар солсак. Халқимиз маънавияти хазинасида қахрамонлик, мардлик туйғуси ифодаланган кўплаб ривоятлар ва дostonлар бор. Уларда меҳнаткаш халқнинг қахрамонлиги, эл-юрт фаровонлиги йўлидаги мардликлари кўрсатилган. Ана шундай дostonларнинг бири “Алпомиш” дostonи асрлар давомида тилдан тилга ўтиб келмоқда.

**Мақоллар** эса тузилишига кўра қисқа, оҳангдор оғзаки нутқ шакли бўлиб, халқ ижодининг ўзига хос намунаси саналади. Унда фикр аниқ, ихчам, хулоса тугал, ифода лўнда ва албатта ҳукм тарзидаги ибратли фикр баён этилади. Мақоллар орқали инсонлардаги камчиликлар кўрсатилган, бу камчиликларни такрорламаслик мақсадида бугунги кунгача улардан кенг фойдаланиб келинмоқда. Масалан: “Меҳнат, меҳнатнинг таги роҳат” мақоли билан халқ кишиларни меҳнат қилишга, меҳнат эвазига ҳаёти фаровон бўлишига чақирса, “Каттага ҳурматда, кичикка иззатда бўл” мақоли кишиларни инсонларга нисбатан қандай муносабатда бўлишларини кўрсатиб беради.

**Эртақлар**- биз учун энг қадрли кечаларни, кунларни эслатади. Эртақ қаҳрамонлари биз билан ёшимиз улғайсада бирга бўлиб келади. Эртақ орқали болаларни яхшиликка чақирилади. Қўрқув, ҳар қандай ёвузликларни енгиш мумкин эканлигига ишонтиради.

**Эркаламалар**- улар орқали гўдақлар эркалаб ўстирилган. Оналарнинг фарзандига бўлган меҳри шеърӣ мисраларда баён этилган бўлса, аллаларда юракдан чиқаётган сўзлари қўшиқ орқали ифодаланган.

**Тез айтишлар** орқали боланинг нутқи ривожланса, **топишмоқлар** орқали тасавури, тафаккури ўсиб боради.

Шундай экан оилада, мактабгача таълим ташкилотларида ва мактаб таълимида халқ оғзаки ижоди намуналари воситасида болаларни маънавий –ахлоқӣ тарбиялаш учун педагоглар томонидан ота-оналар билан тизимли суҳбатлар, тадбирлар, кечалар ўтказиш керакки, токи биз тарбиялаётган болалар аждодларимиздан қолган бой меросдан баҳра олсин ва уни давом эттирсин.

Хулоса қилиб айтганда халқ оғзаки ижоди бу миллатнинг туганмас бойлиги, ундан саралаб- сархиллаб оқилона фойдалана олиш оилада, таълим ташкилотларида таълим-тарбия жараёнини тўғри ташкил қилишга боғлиқ.

Одоб-ахлоқ масалаларини оилада, мактабгача таълим ташкилотида асосий элементларини бериб бориш катта илмий аҳамиятга эга. Чунки, мактабгача таълим ташкилотидан бошлаб аждодларимиз панд-ўғитлари, халқимиз мақол-маталлари билан таништириб бориш, уларнинг ҳар бирига тахлилий тушунча бериб, уни одоб-ахлоққа боғлаб бориш, миллий мафкурамизга тамал тоши қўйиш демақдир.

Болаларга халқ эртақлари «Ёрилтош», «Тохир ва Зухра», «Уч оғайни ботирлар», «Ур тўқмоқ», «Зумрад ва Қиммат» эртақларини ўрганиш

жараёнида одобрилиқ, ақлиқ, ботирлиқ, мардлиқ, дўстлиқ, ҳамжихатлиқ, меҳнатсеварлиқ каби фазилатларнинг нақадар кераклигини таҳлил ва талқин қилиб бориш, уларнинг ахлоқий баркамолликка даъват этади. Одобрилиқнинг уч таянчи эзгуликка интилиш, донишмандликка интилиш, нодонликдан қочишдир. Айни мана шу хислатлар фарзандларимизда камол топиши бу ота-оналар ва атрофдагиларга боғлиқ .

Тўғри сўзлаш, тўғри юриш, ҳалол, пок меҳнат қилиш, ҳаммага хушмуомала бўлиш, инсоф, адолат билан иш юритиш, олиму фозиллар суҳбатидан баҳраманд бўлиш, чин ва самимий дўстлиқ, муҳтожларга ёрдам бериш халқ хикматларида, матал ва мақолларида, эртагу, қўшиқларида намоён бўлган. Халқ оғзаки ижоди намуналарини мактабгача таълим ташкилоти фаолияти жараёнида фойдаланишни ҳар бир педагог йўлга қўйиш лозим.

### **Фойдаланилган адабийотлар рўйхати:**

1. Ш.М.Мирзиёев “Буюк келажакимизни мард ва Олижаноб халқимиз билан бирга қураимиз”. – Т., Ўзбекистон, 2017.-488б.
2. Ш.М.Мирзиёев “Еркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргалиқда барпо етамиз”. – Т., Ўзбекистон, 2016.-56б.
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 10 июндаги “Ёшларни миллий қадрият руҳида тарбиялаш ишлари самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 369-сон қарори
4. Ўзбекистон Республикаси президентининг 2021 йил 26 мартдаги “Маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-5040-сон қарори
5. Абдулла Авлоний. Туркий гулистон ёҳуд ахлоқ.-Т.: Педагог, 1992.- 160 б.
6. Абдуллаев М.А. Маданият асослари. - Фарғона: 1998.- 179 б.
7. Абдуллаев М.А. Миллий истиқлол ва маърифат муаммолари. -Т.: Фан, 1992.- 62 б.
8. М.Х.Мухамадалиева Abdulla Avloniy – The Founder of Uzbek Pedagogy of the National Renaissance Period. Zien Journal of Social Sciences and Humanities volume 11, august-2022 ISSN:2769-996X. 55-55 бетлар.
9. Абдуллажонова Д. Миллий тарихий хотира: моҳият ва талқин. // Жамият ва бошқарув.- 2004.- №4.-49-50 бетлар.